DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7628812 Pages: 106-114



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



КОРЕЙС ВА ЎЗБЕК ОИЛАСИДА АЁЛЛАРГА МУРОЖААТЛАР

Дилорам Аширбаева
PhD
Тошкент давлат шарқшунослик университети
корейс тили ўқитувчиси
hangook2019@gmail.com

Калит сўзлар: она, келин, аёлим, хотин, уй бекаси,буви, опа.

Аннотация: Корейс ва ўзбек тиллари бир оилага мансуб тил ҳисобланади. Шундай экан, ҳар иккала тилда жумлалар тузилиши ва мурожаатларда ўхшаш жиҳатларни кўплаб ўрганиш ва талқин қилиш мумкин. Мазкур мақолада корейс ва ўзбек дискурсида оилада аёлларга нисбатан қўлланилувчи мурожаатлар кўриб чиқилади ва таҳлилга тортилади. Жумладан, мурожаатларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари, таржимада берилиши мисоллар ёрдамида ёритилган.

APPEALS TO WOMEN IN KOREAN AND UZBEK FAMILIES

Key words: mother, daughter in law, wife, housewife, grandmother, sister.

Abstract: This article is devoted to speech appealing units in the Korean and Uzbek family discourse. It displays the area of use, similar and distinctive aspects of translating in two languages.Korean and Uzbek are languages that belong to the same family. Therefore, in both languages, you can learn and interpret the structure of sentences and addresses. This article will review and analyze Korean and Uzbek discursive references to women in the family. In particular, similar and different differences in appeal are highlighted using the examples provided in the translation.

ОБРАЩЕНИЯ К ЖЕНЩИНАМ В КОРЕЙСКИХ И УЗБЕКСКИХ СЕМЬЯХ

Ключевые слова: мать, невеста, жена, домохозяйка,

Аннотация: . Корейский и узбекский языки-это языки, принадлежащие к одной семье. Поэтому в обоих

бабушка, сестра.

языках можно изучить и интерпретировать структур предложений и обращений. В данной статье будут рассмотрены и проанализированы корейские и узбекские дискурсивные обращения к женщинам в семье. В частности, сходные и разные отличия в обращении освещаются с помощью примеров, приведенных в переводе.

Қариндошчилик – умумий аждоддан келиб чиққанлиги ёки турмуш қуриш орқали юзага келган ижтимоий гуруҳ ва ролини ташкил қилиш орқали индивидлар орасидаги алоқадир. Қариндошлик терминлари қадим даврлардан бошлаб нутқ жараёнида бир кишининг иккинчи кишига мурожаати ёки учинчи кишини англатиш учун ишлатилади. Шундай экан, қариндошлик муносабати билан боғлиқ мурожаат бирликлари орқали ифодаланган муносабатлар марказида сўзловчи туради, бунда сўзловчи қариндошлик термини билан ёки унга тингловчининг исмини қўшган ҳолда мурожаат қилади[1].

Корейс оиласидаги муносабатлар ғоятда мураккаб бўлиб, "мендан катта //кичик" шартига қатъиян амал қилинади. Катталарга ҳар доим "сизлаб" гапирилади. Бир қарашда осон бўлиб туюлган мурожаат шакллари, аслида бир мунча қийинчиликларни юзага келтиради. Хусусан корейс тилидаги поғонали муносабатлар кишининг диққатини талаб этади.

Бувига 할머니 [halmoni], онага 어머니 [omoni] деб мурожаат қилинади. Ҳозирги кунда шаҳар ва шаҳар атрофи шеваларида фарзандларнинг бувига нисбатан 할미 [halmi], онага엄마 [omma] сингари нейтрал мурожаат шаклларининг қўлланиши кенг тарқалиб бормоқда:

엄마, 학교에 다녀 왔습니다. [Eomma, hakkyeoe danyeo wasseupnimda]

*"**Ойи,** мактабдан келдим."*

Корейс тилида онага нисбатан қўлланиладиган мурожаат сўзларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: ўз онасига, ўзгаларнинг онасига ва марҳум она ҳақидаги мурожаат бирликларига. Онасига어머니 [omoni] *(ойи)* деб

[1] Аҳмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи. Филол. фанл. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 131.

мурожаат қилинади. Ушбу мурожаатларнинг муқобил варианти어머님 [omonim] шакли эса турмуш ўртоғининг онасига, шунингдек, яқин дўстининг онасига нисбатан ишлатиш мумкин. Қадимги корейс тилида марҳум она ҳақида선비 [sonbi] деб хитоб қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек мулоқот маданиятида марҳумларга нисбатан қўлланиладиган махсус мурожаат шакли мавжуд эмас. Бироқ марҳумлар ёдга олинганда, уларнинг исмлари олдидан *раҳматлик* сўзи ишлатилади.

"**아버지,** 이 산소에 계신 엄마가 그리도 저를 귀여워하셨습니까?" [**Abeoji,** i sanso-e gyesin eommaga geulido jeoleul gwiyeowohasyeossseubnikka?]

*"**Дада,** (қабрда) бу ерда ётган онам мени яхши кўрармидилар? "*

"그래, 너의 **모친이** 너를 낳고 세상을 다 얻은 듯 좋아했느니라" (박세정. 슬프도록 아름다운 황후 심청, 133) [**Geulae,** neoui mochin-i neoleul nahgo sesang-eul da eod-eun deus joh-ahaessneunila]

*"Ҳа, **раҳматлик** онанг сени дунёга келтириб, худди дунёни забт этгандек сени яхши кўрарди".*

어머님 [omonim] сўзи ўзгалар олдида оналарини ҳурмат қилиб гапираётганда қўлланилади. Бу ўзбек тилида *онамлар* деб мурожаат қилишга тенгдир. 엄마 [omma] (ойижон) деб ёш болалар оналарига мурожаат қилишади. Онаси туғишган эканлигини билдириш мақсадида 친 [chin] "яқин/қондош" сўзи қўшилиб айтилади. 친 엄마chin [omma] қондош онам. Мазкур мурожаатларнинг хитой тилидан ўзлашган ҳурмат шакли모친 [mochin] дир.

Оила жамиятнинг энг кичик бўғини бўлса ҳам, эр ва хотин оиланинг асосидир. Қуйида эркак кишининг аёлига нисбатан бир неча кўринишдаги мурожаатларини таҳлилга тортамиз.

여보 Азизам.

Эр-хотин муносабатларида хитоб сўзларининг хилма-хиллиги жиҳатидан корейс тили дунёда энг бой тил ҳисобланади. Эр-хотинлар (40%)

кўпинча бир-бирига여보 [yobo] (азизим) ёки 자기 [chagi] (азизим) деб мурожаат қилишади:

여보, 내 말 좀 들어봐요. [Yeobo, nae mal jom deureobwa]

*"**Азизам**, гапимга қулоқ сол"*[1]

Эр-хотин муносабатларида хитоб сўзларининг хилма-хиллиги жиҳатидан корейс тили дунёда энг бой тил ҳисобланади. Эр-хотинлар (40%) кўпинча бир-бирига여보 [yeobo] *азизим/азизам* ёки 자기 [jagi] деб мурожаат қилишади[2]. Оила кургандан сўнг турмуш ўртоқлар ўзаро 여보 [yeobo] *азизим/азизам* деб мурожаат қиладилар.

Шарқона тарбиянинг ўта кучлилиги мурожаат бирликларида яққол намоён бўлади. Кореяда эр-хотиннинг бир-бирини исми билан чақириши уят ҳисобланади. Шу боис эр-хотинлар бир-бирига여보 [yeobo] яъни, ўзбек тилига таржима қилинганида *азизим/азизам* дея мурожаат қиладилар. Ушбу хитобнинг келиб чиқиш тарихига назар соладиган бўлсак, қадимда бу мурожаат икки сўздан, яъни, 여기에 보세요 [yeogie boseyo] мурожаатидан келиб чиққан бўлиб, таржимаси "*бу ерга қараб юборинг"*дир. Бугунги кунда ушбу мурожаат тўлалигича айтилмасдан여보 [yeobo] яъни, *азизим/азизам*га қисқариб, фақат эр-хотинлар орасидагина ишлатилаётганлигини кўриш мумкин[3]. Қуйидаги мисолларга эътиборни қаратинг:

1) 남편: **여보,** 나 오늘 술 마시고 들어오면서 당신 생각뿐이었어요. [Nampyeon: **Yeobo,** na oneul sul masigo deureoomyeonseo dangsin saenggagppunieosseoyo.]

아내: 무슨 생각을 해요? (박인옥, 최미애. 인생 2 막까지 멋지게 사는 기술 재미, 145) [Anae: Museun saeng-gag-eul haeyo?]

*Эр: **Азизам,** мен бугун ичиб келиб фақат сени ўйлайман.*

Хотин: Нимани ўйлайсиз?

---

[1] Ким Г. О категории обращения в речевом этикете в корейском языке. 23.08.2004
[2] https://www.ytn.co.kr/_ln/0103_201508281159178845
[3] 김혜숙. 한국인 부부의 관계 변화에 따른 호칭어 사용 변화. 사회언어학 12(2), 서울, 2004. 131-156 쪽 .

Қайд этилганлар билан бирга, корейс эркаклари аёлига 여보 [yeobo], 부인 [buin], 자기야 [jagiya], 마누라 [manura], 영감 [yeongam], 집사람 [jipsaram], 애기 엄마 [aegi eomma] деб хитоб қилсалар, аёллар турмуш ўртоғига нисбатан 여보 [yeobo], 오빠 [oppa], 서방님 [seobangnim], 애기 아빠 [aegi abba] каби мурожаатларни ишлатадилар.

부인 [puin] ***аёлим.*** Корейс оиласида эр аёлига қарата부인 [puin] деб хитоб қилади. Шунингдек, корейс эркаклари ўз аёллари ҳақида суҳбатдошига сўзлаётганида кўп ҳолларда 부인 [puin], яъни *аёлим* деб айтадилар. Таржима жараёнида эрнинг хотинига қарата хитобини *аёлим* деб эмас, балки *хотинжон* деб ўгириш мақсадга мувофиқдир. Масалан:

부인 내 양말 어디 있어? [Puin, nae yangmal eodi isso?]

Хотинжон, *менинг пайпоғим қаерда?*

부인 [puin] аёлига нисбатан анча юқори бўлган ҳурматни билдирувчи мурожаат бирлиги ҳисобланади. Айни маънода 집 사람 [jip saram] мурожаати ҳам қўлланади, бироқ унда ҳурмат даражаси паст бўлади[1] . Мазкур мурожаат шаклини ўзбек тилига сўзма-сўз *уй одами* деб таржима қилиш мумкин. Контекст ичида эса *уй одами* деб эмас, балки *уй бекаси, хотини, аёли* деб ўгириш ўринли бўлади. Бироқ, шуни назарда тутиш керакки, ўзбек тилида *уй бекаси* қуйи мурожаат бирлиги саналмайди.

그는 **집사람에게도** 말 못 할 사정이 생겼다. [Keuneun jipsaramaegedo mal mot hal sajongi sengyotta]

У ***аёлига*** *ҳам сўзлай олмайдиган вазият юзага келганди.*

Бугунги глобаллашув жараёнлари ҳар соҳага жадаллик билан кириб бораётган бир пайтда мурожаат бирликлари ҳам ушбу таъсирдан четда қолмади. Маълумки, корейс тили лексик қатламининг 70% келиб чиқишига кўра хитой иероглифларидан ўзлашган. Бугунги глобаллашув даврида корейс тили лексик қатламининг инглиз ўзлашмалари ҳисобига бойиб бораётгани

[1] 이무영. 예절바른 우리 말 호칭. 서울 출판사. 2005. -53 쪽.

табиий ҳол ҳисобланади. Бинобарин, таҳлилга олинган мурожаат бирликлари ҳам ушбу таъсирдан четда қолмаган. Ҳозирги кунда корейс эркакларининг нутқида 와이프 [waipue], wife, яъни *аёл, аёлим* мурожаатининг кенг тарқалганини кўриш мумкин.

남편의 "마누라" [Nampyeonie "manura"] ***Эр учун "манура".*** Юқорида қайд этилганидек, эркаклар ҳам ёшликда аёлига여보*yeobo азизам* деб мурожаат қилишади. Аёлининг ёши улуғлашгани сари улар меҳр-муҳаббатга тўла бўлган마누라 [manura], яъни *онаси, кампир(им), бувижониси* мурожаатини қўллашни афзал кўра бошлайдилар. Масалан:

"**마누라,** 그렇게 하리다. 내가 다녀오겠소" [Manura, geuleohge harida. Naega danyeoogessso] (박세정. 슬프도록 아름다운 황후 심청, 22)

Онаси, *унда шундай қиламан. Бориб келай энди.*

Оилада фарзанд туғилгач, эр-хотин муносабатлари ўзгача тус олади. Уларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати ортади. Бу ҳурмат катта фарзанднинг исмини қўшиб, мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Жумладан, корейс тилида эр хотинига (фарзанднинг исми+엄마) 수미의 엄마 [Sumie eomma] *Суминингонаси = онаси, ойиси*, аёли эса эрига (фарзанднинг исми+아빠) 수미의 아빠 [Sumie appa] *Сумининг отаси = дадаси*, ёки애기 아빠 [egi appa] *боламнинг отаси = дадаси* деб мурожаат қилади[1].

Баъзи ўзбек оилаларида эркак аёлига катта қизининг исми билан, аёл эса эрига катта ўғлининг исми билан мурожаат қилади. Аёлига *онаси, ойиси, аяси,* эрига *отаси, дадаси, адаси* каби мурожаатлар воситасида мурожаат қиладиган кишилар ҳам бор:

1. *Ҳой* ***онаси,*** *суюнчини чўз*[2].
2. *"**Ойиси,** бир ялпиз сомса қилсанг-чи!"* (А.Саид. Қария, 198)

---

[1] 왕한석 등. 한국 사회와 호칭어. 도서출판 역락. 2005. 247 쪽

2 Усмонова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундалмалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент: "Университет", 2004. – Б. 74-77.

Қадимги туркий халқларда кишиларнинг исмига ҳурмат билан муносабатда бўлиш шахснинг ўзига нисбатан ҳам ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилинган. Бундай ҳурмат изҳор қилишнинг асосий йўли эса киши исмини айтиб чақирмасликдир. Шунга кўра туркий халқларнинг кўпчилигида ёшлар ўзидан катталарнинг, эр-хотинлар бир-бирининг исмини айтиш мумкин эмаслиги ҳақидаги расм-русумлар пайдо бўлган[1]. Ёшлар катталарга қариндошлик терминлари билан, эр-хотинлар эса бир-бирига фарзандларининг исми ёки онаси, отаси каби сўзлар билан мурожаат қилган.

Корейс мулоқот маданиятида келинлар қайнона ҳақида ота уйидагиларига ёки бошқа кишиларга시어머니 [shieomeoni] деб, шунингдек. ушбу мурожаат бирликларидан олдин 우리/저희 [uri/jeoui], яъни *бизнинг* кишилик олмошини қўшиб гапирадилар. Агар келиннинг суҳбатдоши қайнонага нисбатан ёшроқ бўлса, унда시어머니 [shieomeoni] мурожаатидан кейин, албатта, –님 [–nim] *–жон* аффиксини қўшиш керак бўлади[2].

Агар келин фарзандлик бўлса, қайнонаси ҳақида фарзандининг исмини айтиб, сўнг......*нинг бувиси* деб сўзлайди.

Умуман, -님 [nim] ва -жон аффиксли мурожаат бирликлари корейс ва ўзбек муомала маданиятидаги ҳурмат ва эҳтиромни ифодаловчи миллий қадриятлардан бири ҳисобланади.

Корейс тилида бувига нисбатан қўлланадиган мурожаатлар ўзбек тилига нисбатан фарқланади. Бинобарин, буви нинг ота ва она томондан эканлигига қараб турлича номланади. Ота томондан бувига – 할머니[halmeoni], деб мурожаат қилинса, она томондан бувига – 외할머니 [oehalmeoni] деб мурожаат қилинади. Масалан:

[1] Бегматов Э. Номлар ва одамлар. –Тошкент: Фан, 1996. –Б. 25.
[2] Усмонова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундалмалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. –Тошкент: “Университет”, 2004. – Б. 74-77.

1) “**할머니,** 제가 좀 거들어 드리겠습니다. 할머니는 조금 쉬세요.” (박세정. 슬프도록 아름다운 황후 심청, 155) [**Halmeoni,** jega jom geodeureo deurigessseubnida. Halmeonineun jeogeum swiseyo.]

***“Буви(жон),** мен ёрдамлашиб юбораман. Сиз бироз дам олинг.”*

2) **외할머니,**저도 언젠가 나이가 들면 어머니와 똑같은 모습으로 기도하고 있을까요? (최의선. 임춘애, 250) [**Wihalmeoni,** jeodo eonjenga naiga deulmyeon eomeoniwa ttoggateun moseubeuro gidohago isseulkkayo?]

***Буви(жон),** мен ҳам катта бўлганимда онам каби ибодат қиламанми?*

Демак, ўзбек тилида онанинг онаси // отанинг онаси каби тушунчалар мавжуд бўлса-да, уларни ифодалаш учун фақат *буви* мурожаатидан фойдаланилади. Корейс тилида эса бу тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида сўзлар воситасида ифодаланган. Мазкур сўзлар ўзбек тилида лакуналарни юзага чиқаради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, корейс оиласида ҳам аёлларга худди ўзбек тили каби узоқ тарихга эга бўлган миллий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган мурожаат шаклларини кузатиш мумкин. Корейс ва ўзбек дискурсида оилада турмуш ўртоқлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва мурожаатда ўхшаш томонлар кўп. Айниқса, фарзанд туғилгач *онаси* каби мурожаатлар айнан ўхшашдир. Шу билан бир қаторда, қайнонага мурожаат қилиш одобида ҳам умумийлик мавжуд. Корейс оиласида келинлар қайнонасига시어머니 [shieomeoni] деб мурожаат қилади ва бу ўзбек одатларидаги *ойижон* мурожаатига муқобил бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аҳмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи. Филол. фанл. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008.
2. Бегматов Э. Номлар ва одамлар. –Тошкент: Фан, 1996.
3. Ким Г. О категории обращения в речевом этикете в корейском языке. 2004

4. Усмонова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундалмалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. –Тошкент: “Университет”, 2004.
5. 이무영. 예절바른 우리 말 호칭.. 서울 출판사. 2005.